



Рамазон – тарбия мавсуми

Муборак Рамазон ойининг аввали раҳмат, ўртаси мағфират, охири дўзахдан озод бўлиш кунлари деб аталади. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг раҳматига эришган кишининг гуноҳлари кечирилади, гуноҳдан покланган киши эса, дўзахдан қутулиб, жаннатга дохил бўлади. Қолаверса, Рамазон ойининг яна бир фазилати Аллоҳ таоло бу ойга Қадр кечасини яширган.

Бу муборак кечанинг Қадр деб номланишида икки хил маъно бор: 1) унинг қадри баланд, минг ойдан афзал кеча; 2) бу кечада бандаларнинг келаси йил Қадр кечасигача бўлган тақдирлари битилади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «**Албатта, Биз уни (Қуръонни) муборак кечада нозил қилдик. Дарҳақиқат, Биз огоҳлантирувчидирмиз.**

У (муборак кечада) барча ҳикматли ишлар ажрим қилинур» (Духон сураси, 3–4-оятлар). Шу боис бу кечада ибодат ва дуо билан машғул бўлиш алоҳида фазилатга эга. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ким Қадр кечасини чин ихлос ва иймон билан Аллоҳ учун бедор бўлиб, ибодат қилса, унинг қилган аввалги барча гуноҳлари кечирилади”**, деб марҳамат қилганлар (Муттафакун алайҳ).

Рамазони шариф Аллоҳ таолонинг раҳмати ва баракоти нозил бўладиган ҳамда мўминлар бир-бирларига хайру эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатадиган ойдир. «**Набий алайҳиссалом: “Бу хайр-эҳсон улашиладиган ойдир. Рамазон ойида мўминларнинг ризқи зиёда бўлади. Кимки бу ойда**

рўзадорга ифторлик қилиб берса, унинг гуноҳлари кечирилади ва дўзахдан озод бўлади. Шунингдек, унга ҳам рўздорнинг савобидан камайтирилмаган ҳолда савоб берилади”, дедилар. Шунда саҳобалар: “Ё Расулulloҳ! Биз ҳаммамиз ҳам рўзадорга ифторлик қилиб бера олмаймиз-ку?” дейишди. У зот уларнинг ўқсик кўнгилларини кўтариб: **“Аллоҳ таоло бу савобни рўзадорга бир қултум сут ё бир дона хурмо, ҳеч бўлмаса, бир хўплам сув билан ифторлик қилиб берган кишига ҳам ато этади. Ким рўздорнинг қорнини тўйдирса, Аллоҳ таоло унга Кавсар ҳовузидан бир қултум сув ичирадими, у то жаннатга киргунча чанқоқ нималигини билмайди...”** деб марҳамат қилдилар» (Имом Байҳақий ривояти).

2-бетда

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 14 февраль. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази билан Туркия Диёнат Вақфи Ислом тадқиқотлар маркази (ISAM) ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид Англашув меморандуми имзоланди.

✓ 15 февраль. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов бошчилигидаги масъул ходимлар Термиз шаҳридаги “Имом Термизий” ўрта махсус Ислом таълим муассасасига ташриф буюриб, таълим жараёни билан танишдилар ҳамда ўқув сифати ва ўқитувчилар илмий салоҳиятини кўтариш, диний таълимда анъанавий ва замонавий педагогик технологияларни қўлланилишига доир таклифларни билдирди.

✓ 17–22 февраль. Иордания пойтахти Аммон шаҳрида бўлиб ўтган аёл-қизлар ўртасида 18-халқаро Куръони каримни ёддан ўқиб бериш ва тиловат қилиш бўйича мусобақада Ўзбекистон вакили сифатида Тошкент ислом институти “Қуръони карим ва тажвидни ўргатиш ўқув курси” ўқитувчиси Шоҳиста Нурматова иштирок этди.

✓ 19 февраль. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Қатар давлатининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳасан ибн Ҳамза Ҳошим жанобларини қабул қилди.

Мусулмоннинг қўрғони

“Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи адада холқиҳи ва ризо нафсиҳи ва зината аришиҳи ва мидада калиматихи”.

Маъноси: “Аллоҳни маҳлуқотларининг ададича, Ўзи рози бўлгунча, Аришининг вазнича ва калималарининг миқдорича ҳамду сано билан поклаб ёд этаман” (Имом Муслим ривояти).

«Аллоҳумма маа асбаҳа бий мин ниъматин фаминка ваҳдака лаа шарийка лак, фалакал ҳамду ва лакаш шукру».

Маъноси: “Аллоҳим, мен билан тонг оттирган неъматлар Сен томондандир. Сен яккаю ёлғиздирсан, Сенинг шеригинг йўқ. Сенга ҳамд ва шукрлар бўлсин” (Абу Довуд ривояти).

2-бетда

Абу Дабида уламолар мулоқоти

2024 йил 8 февраль куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Абу Даби шаҳрида Мусулмон донишмандлар кенгашининг навбатдаги йиғилиши олдидан бўлиб ўтган аъзо уламолар ва тақлиф этилган меҳмонлар иштирокидаги Мулоқот сессиясида қатнашди.

Йиғилишни Мусулмон донишмандлар кенгаши раиси, Миср Араб Республикаси Бош имоми, ал-Азҳар мажмуаси раҳбари Шайх Аҳмад Тоййиб жаноблари

кириш сўзи билан очди. Сессия “Миллат муаммоларини олдиндан ўрганиш йўлида” деб номланди.

Мулоқотда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, мақсадларга эришиш учун муносиб ҳисса қўшиш, ташаббус ва лойиҳаларнинг фойдалилигини ошириш каби масалаларга урғу қаратилди. Шунингдек, умумбашарий қадриятлар ва умумэтироф этилган қонун-қоидаларга риоя этишни кенг тарғиб этиш масалаларига алоҳида эътибор қилинди.



Миср Араб Республикаси Бош имоми, ал-Азҳар мажмуаси раҳбари Шайх Аҳмад Тоййиб жаноблари Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларини Мусулмон донишмандлари кенгаши аъзолигига қабул қилиш ҳақидаги қарорни ўқиб эшиттирди ва аъзолик гувоҳномасини топширди.

2-бетда

Фаришталарга иймон

Фаришталарга ишониш иймон рукнларидан биридир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарса (оятлар)га иймон келтирди ва мўминлар ҳам. (Уларнинг) ҳар бири Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарлари (нинг барчаси)га иймон келтирди»** (Бақара сураси, 285-оят).

Абу Хурайра розияллоху анху дан ривоят қилинади: **«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бир кунни одамларнинг олдига чиқиб турган эдилар. Бир киши у зотнинг ёнларига келди ва: “Иймон нима?” деб сўради. У зот: “Иймон Аллоҳга, Унинг фаришталарига, Китобларига, Унга йўлиқишга, Унинг пайғамбарларига ва қайта тирилишга ишонмоғингдир”, дедилар»** (Имом Бухорий ривояти).

Ойша розияллоху анҳодан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Фаришталар нурдан яратилган. Жинлар эса, аланга-оловдан яратилган. Одам эса, сизларга аввал васф қилинганидек (сопол каби қуриган қора лойдан) яратилган”, дедилар** (Имом Муслим ривояти).

Фаришталар нурдан яратилгани учун уларни асл қиёфаларида кўришга башарнинг тоқати етмайди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Жаброил алайҳиссаломни асл қиёфасида икки марта кўрганлар ва бу у зотнинг ўзлари-га хосдир.

Фаришталар гўзал суратда яратилган. Бунга қуйидаги оятда далолат қилади: **«У (Муҳаммад)га шиддатли қувват эгаси таълим берди. “Миррат эгаси” кўтарилди»** (Нажм сураси, 5–6-оятлар).

“Миррат эгаси”ни Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхумо “гўзал кўриниш эгаси”, деб тафсир қилган.

Фаришталарнинг адади бора-сида Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **«Раббингнинг аскарлари-ни Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас»** (Муддассир сураси, 31-оят).

Молик ибн Саъсаъа розияллоху анху дан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам айтадилар: **“Бу – Байтул маъмур. Унда ҳар кунни етмиш минг фаришта намоз ўқийди. Ундан чиққач, бу улар учун охиригиси бўлади, унга қайтиб кирмаслар...”** (Имом Бухорий ривояти).

Фаришталар доим Аллоҳ таолонинг тоатида бўлади: **«Улар кечаю кундуз тасбеҳ айтарлар, чарчамаслар»** (Анбиё сураси, 20-оят).

Шунингдек, уларга кўплаб вази-фалар юклатилган. **Жаброил** алайҳиссалом – Рухул Амийн, пайғамбарларга ваҳий олиб тушишга, **Микоил** алайҳиссалом ёмғир ва набототларга, **Исрофил** алайҳиссалом сур пуфлашга, **Малакул мавт** (Азроил алайҳиссалом) махлуқотлар жонини олишга вакил қилинган. Булар фаришталарнинг энг улуғларидир.

Малакул мавтнинг ёрдамчилари – раҳмат фаришталари ва азоб фаришталари.

Бандаларнинг ризқларига вакил фаришталар – тўғри йўл билан ризқ топишга ҳаракат қиладиганларнинг ризқ топиш йўлларини енгиллаштириб, тўғри йўлдан озган кимсаларни эса ўз ҳолларига ташлаб қўйишади.

Аршни кўтариб турувчи фаришталар.

Ризвон фаришталар – жаннатни кўриқлашга ва у ерда хизмат қиладиганларга вакил.

Забония – дўзахнинг азоб фаришталари.

Ҳурматли котиб фаришталар – бандаларнинг амалларини ёзиб олишга вакил.

Сақловчи фаришталар – бандаларни жин-шайтонлар ва офат-зарарлардан сақлашга вакил.

Бачадонга вакил фаришта ҳомилининг ривожланишини кузатиб боради.

Кезиб юрувчи фаришталар – Ер юзиде айланиб, мўминларнинг саломини Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга етказишга вакил.

Дуо фаришталари – ўзгалар ҳақиқага ғойибона дуо қилганларга “Омийн, сенга ҳам шундай бўлсин” деб туришга вакил.

Рухларини юқорига олиб чиқувчи фаришталар – вафот этган бандаларнинг рухларини юқорига олиб чиқишга вакил.

Мункар ва Накир бандаларни қабрда сўроқ-савол қилишга вакил фаришталар.

Абдулқодир АБДУРРАҲИМ,
Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти
Ақоид ва фикҳий фанлар кафедраси
доценти, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Идора ҳаёти

1-бетда

Қутлов

2024 йил 10 февраль куни Абдулазиз қори Зокиров Қирғизистон мусулмонлари диний идорасининг янги муфтийси этиб сайланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Қирғизистон мусулмонлари диний идорасининг янги муфтийсига қутлов йўллади.



“Ислом ота” масжидига ташриф

16 февраль куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий, Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Тошкент шаҳридаги “Ислом ота” жоме масжидига ташриф буюриб, жума намозини жамоат билан адо этди.

Муфтий ҳазратлари Исломда аёлларга

ҳурмат ва эътибор юқори экани, динимиз таълимотида уларга ғамхўрлик, меҳрибонлик ва лутф билан муомала қилингани, инсонийлик жиҳатидан барча бир хил экани, фақат тақво, солиҳ амал, ахлоқ-одоб каби мезон орқали фарқланиши ҳақида суҳбат қилиб бердилар.



Яхшиликка чақириш

1-бетда

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ким Рамазон ойида бирор нафл амални бажарса, фарз амални адо қилган билан тенг бўлади. Ким бу ойда бир фарз амални бажарса, етмишта фарз амални адо қилган билан тенг бўлади”**, деганлар. Шунга кўра, мўмин-мусулмонлар бу ойда кўпроқ ибодат, эзгу амалларни қилишга ошиқишлари лозим. Закот ва нафл садақаларни ҳам Рамазон ойида адо этиш жуда фазилатлидир. Умар ибн Абдулазиз раҳимахуллоҳ: “Намоз сенга жаннатнинг йўлини кўрсатса,



рўза унинг эшигига олиб боради. Садақа эса, сени ичкарига олиб киради”, деган.

Рамазон рўзасининг аҳамияти яна шундан иборатки, у туфайли биз ўз нафсимизни тарбия қиламиз, уни сабрга ўргатамиз, тоат-ибодатда чиниқтирамиз. Чунки рўзада учта хусусият бўлиб, ана шу хусусиятлар туфайли рўзадор мустаҳкам сабру қаноатга эга бўлади. Биринчидан, рўза – ибодат. Тўлиқ бир ой рўза тутиш учун кишига катта сабр-тоқат керак. Иккинчидан,

рўзаси мукаммал бўлиши учун рўзадор ўзини каттаю кичик гуноҳлардан тийиб, нафсига қарши курашиши лозим. Ушбу талабларни мукаммал бажарган кишида гуноҳлардан тийилиш, яхшиликларга интилиш, муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш, Аллоҳ таолога итоат қилиш кўникмаси ҳосил бўлади.

Абу Хурайра розияллоху анху: «Кимга сабр қилиш неъмат ато қилинган бўлса, у ҳеч қачон савобдан маҳрум қолмайди. Чунки Аллоҳ

таоло Куръони каримда: **“Албатта, сабр қилувчиларга (охиратда) мукофотлари беҳисоб берилар”**, деб марҳамат қилган», дейди.

Аллоҳ таоло улуғ фазилатларга эга бўлган, раҳмат ва мағфират оий бўлмиш Рамазон ойини барчамизга муборак қилиб, бу ойда қиладиган ибодатларимизни мукаммал адо этишга муяссар айласин!

Ҳомиджон қори ИШМАТБЕКОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раисининг биринчи ўринбосари

Қироатдаги хатолар

Агар киши унутиб аввалги ракатда Кафирун сурасини, иккинчи ракатда Фил сурасини қироат қилса, намози карохатсиз дуруст. Агар қасддан ўқиса, макруҳ бўлади. Иккала ҳолатда ҳам саждаи саҳв вожиб эмас (*“Фатавойи Оламгирия”*).

Киши иккинчи ракатда унутиб биринчи ракатда ўқигани сурадан олдиндаги сурани ўқишни бошлаши билан адашгани ёдига тушса ва у сурани давом эттирмай, тартибга риоя қилган ҳолда бошқа сурани ўқиса, намози макруҳлик билан дуруст бўлади. Саждаи саҳв вожиб эмас. Чунки бошлаган сурасини қўйиб, бошқа сурага ўтиш яхши эмас (*“Ад-дуррул мухтор маъа Раддил мухтор”*).

Агар бир киши тўрт ракатли фарзнинг охириг икки ракатада ҳеч нарсаси ўқимай биров туриб рукуга борса, намози дуруст ҳисобланади ва унга саждаи саҳв вожиб бўлмайди (*“Фатавойи Оламгирия”*).

Киши нафл намозда (унинг қайси ракатада бўлишидан қатъи назар) Фотиҳа сурасини ўқимаса, унга саждаи саҳв вожиб бўлади (*“Фатавойи Оламгирия”*).

Қироатда адашган имом намозда бўлмаган кишининг луқмасини олса нима бўлади? Агар имом унинг луқмасини дарҳол олса, намоз бузилади. Уни қайтадан ўқиш зарур бўлади. Биров муддатдан сўнг олса, намоз бузилмайди, саждаи саҳв ҳам вожиб эмас (*“Раддул мухтор”*).

Агар киши қироат қилиб бўлганидан сўнг, рукуга кетишидан олдин (энг ками) бир рукн миқдорича (уч маротаба субҳаналлоҳ, деса бўлгудек) вақт ўйланиб, хаёл суриб қолса, унга саждаи саҳв вожиб бўлади (*“Ад-дуррул мухтор маъа Раддил мухтор”*).

Агар имом намозда қироат қилатуриб (адашиб) бирор лафзнинг таржимасини айтиб юборса, намоз бузилади (*“Ад-дуррул мухтор маъа Раддил мухтор”*).

Имом унутиб пешин ёки аср намозда қироатни баланд овозда бошлади. Намоз ташқарисидаги киши унга: “Ичингизда ўқинг!” деди. Агар имом дарҳол қироатни махфий қилса, намоз бузилади. Биров туриб, кейин махфий ўқиса, намоз дуруст бўлади (*“Ад-дуррул мухтор маъа Раддил мухтор”*).

Намоз ичида овоз чиқариб йиғлаш, ҳўнграш агар жаннат ва дўзахни ёдга олиш сабабидан бўлмаса, намоз бузилади (*“Ад-дуррул мухтор маъа Раддил мухтор”*).

Имом Аср сурасини бошласа ва **«ил-лаллазийна аманув ва ғамилус-солиҳати»**ни ўқиётиб, Тийн сурасига ўтиб кетса ва ўша сурани охиригача ўқиб етказса, намоз дуруст бўлаверади. Саждаи саҳв лозим бўлмайди (*“Фатавойи Оламгирия”*).

(Давоми бор...)

✍ **Ёрқинжон ФОЗИЛОВ**нинг
“Саждаи саҳв масалалари” китобидан

Зиёрат ҳам ибодатдир

Талаба-ёшларнинг қадимий ва бой тарихимизга оид билимларини ошириш, уларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Наманган вилоятидаги “Ҳидоя” ўрта махсус ислом билим юртида жорий йилнинг 3 февраль куни “Аждодлар хотираси ёдимизда” номли тадбир доирасида 50 нафар ўқитувчи, ходим ва талабаларнинг Фарғона вилоятининг тарихий масканларига саёҳат ташкил этилди.

Саёҳат Қўқон шаҳридаги “Ўрда” мажмуасидан бошланди. Зиёратчилар Президентимиз ташаббуси билан қайта таъмирланган “Худоёрхон саройи”, “Мадрасаи Мир” ва Марғилон шаҳридаги “Хунармандлар уйи” ҳамда бошқа меъморий обидалар билан яқиндан танишдилар.

“Ватан бўйлаб саёҳат” шиори остидаги навбатдаги зиёрат 2–4 февраль

Мозийга қайтиб...

кунлари Самарқанд вилоятида амалга оширилди. 14 нафар талаба 3 нафар устоз ҳамроҳлигида ҳозирда қайта барпо этилаётган Имом Бухорий мажмуасининг қурилиш жараёнларини бориб кўришди. Сўнг Рагистон майдони ҳамда у ерда жойлашган Шердор, Тиллакори, Улуғбек мадрасалари билан танишишди ва мамлакатимиз биринчи Президенти Ислам Каримовнинг қабрини зиёрат қилишди.

Талабалар, шунингдек, “Шоҳи Зинда” мажмуаси, хусусан, улуғ саҳоба Кусам ибн Аббос розияллоҳу анҳу қабрини ҳам зиёрат этишди. Саёҳат давомида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Самарқанд вилояти вакили Зайниддин домла Эшонқулов билан учрашув ўтказилиб, уламо ёшларга илм-маърифат эгаллаш борасида гузал насиҳатлар қилди.

Ҳадис илми мактабига ташриф талабаларга ўзгача таассурот бағишлади. Ректор Олимхон домла Юсупов уларни таълим маскани фаолияти ва бу ерда билим олиш учун яратилган шароитлар билан яқиндан таништирди.

✍ **Абдуносир БОБОМИРЗАЕВ**,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси Таълим ва
илмий-тадқиқот бўлими масъул ходими



Динимиз аҳкомлари

Баъзи нарсаси ёки амаллар борки, рўзани бузмаса-да, унинг ажрини камайтириши, баъзан эса, савобдан мутлақо маҳрум қилиши мумкин. Шунинг учун рўзадор улардан эҳтиёт бўлиши керак. Жумладан:

- сақич ё шунга ўхшаш нарсани чайнаш;
- узрсиз овқат, таом тузини ё мазасини татиб кўриш;
- катта бетаҳоратликка сабаб бўладиган ушлаш, қучоқлаш ёки ўпиш (эр-хотин ўртасида);
- таҳоратда оғизни фарғара қилиш;
- бурунни чайишда муболаға қилиш;

- танани заифлаштириб қўядиган даражада қон олдириш;
- емай-ичмай кунларни улаб рўзатиш;
- тиш пастасидан фойдаланиш;
- тупукни оғизда тўплаб, сўнг ютиб юбориш;
- оғизни чайгандан сўнг қолган намликни тупук билан бирга ютиб юбориш;
- истинжога муболаға қилиш, яъни ошириб юбориш.

Рўзани бузувчи амаллар:

- қасддан еб-ичиш, жинсий яқинлик қилиш;
- ҳали вақт чиқмади, деган ўй билан тонгда еб-ичиш;
- кун ботди деган гумон билан (қуёш ботмаса-да) оғзини очиш;
- ўпиш, ушлаши сабабидан катта бетаҳоратлик етса;
- ҳўқна (қлизма) қилдириш;
- бурнига дори томишиш;
- қасддан оғиз тўлиб қайт қилиш.

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Тўрт ракатли намознинг иккинчи ракатада “Аттаҳиёт”дан кейин туришни унутиб салаватни ҳам ўқиб юборса, намоз бузилмайдими?

ЖАВОБ: Тўрт ракатли намозларнинг аввалги қаъдасида “Аттаҳиёт”дан кейин, адашиб “Аллоҳумма солли ғала Муҳаммадин”гача ўқиган киши намоз охирида саждаи саҳв қилади. Агар “Аллоҳумма солли ғала Муҳаммадин”дан кам ўқиган бўлса, яъни “Аллоҳумма” деб, кейин учинчи ракатга турса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди (*“Фатавойи оламгирия”*).

САВОЛ: Сафарни ният қилмай, сафар масофасини босиб ўтган киши мусофир бўладими?

ЖАВОБ: Мусофир бўлмайди, намозларини тўлиқ ўқийди. “Ким сафар масофасини ният (яъни, қанча йўл юришини тайин) қилмай, дунёни айланиб чиқса ҳам, намозни қаср қилмайди (яъни, мусофир бўлмайди).

Масалан, яёв юришда икки кунлик йўлдаги жойда туришни қасд қилиб, у ерга етганда яна икки кунлик йўлдаги жойга бориш фикри туғилса (ва у ерга борса) мусофир бўлмайди.

Лекин ортга қайтганида, шаҳрига киргунча сафар масофаси (90 км) бўлса, намозларини қаср қилади (яъни, қайтишда мусофир бўлади. Чунки у энди қанча йўл босиб ўтишини билади).

🕒 5-бетда

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Самура ибн Жундаб розияллоху анхуга бундай на-
сиҳат қилдилар: **“Аёл киши
эгри қовурғадан яратилган.
Агар уни тўғрилайман десанг,
синдириб қўясан. Шундай экан,
у билан муроса қилиб яша”**
(Имом Бухорий ривояти).

Муҳаббат сизни уйин-
гиз эшиги оstonасигача
олиб боради, холос. Ундан
кейин сафар бошланади.

Маънавиятимиз меъморлари

Муроса қилиб яшанг

Келишмовчилик пайтларида ке-
чиримни, ўзаро эҳтиромни унут-
манг. Баъзи камчиликларга кўз
юмиш билан оила мустаҳкамлиги
сақланади. Агар шундай қилол-
масангиз, муҳаббат, севги асқат-
майди. Ҳаётнинг давомийлиги
хатолардан кўзни юмишдадир.
Бир сиз кўз юмасиз, бир жуфти
ҳалолингиз.

Умрнинг самараси сабрда-
дир. Бир сиз чекинасиз, бир хо-
тинингиз. Ҳаёт бағрикенглик би-
лан кудуратлардан соф бўлади.
Бир сиз тақдим қиласиз ва ола-
сиз, бир гал аёлингиз тақдим қи-
лади ва олади.

Қушлар битта қаноти билан
парвоз қила олмайди. Худди
шундай, эр ҳам, хотин ҳам ёлғиз

ўзи мустаҳкам оилани қура ол-
майди. Қачон улар бир ёқа-
дан бош чиқаришса, ана шунда
оила гуллаб-яшнайдир, фаравон
бўлади.

Ҳаққингизни талаб қилишдан
олдин бурчингизни адо этинг!

Абдулқодир ПОЛВОНОВ,
“Ургут” жоме масжиди ходими

Солиҳларни улуғлаган бобомиз

“Ғор эгалари қиссаси” Алишер Навоий талқинида

“Асҳобул Каҳф” – Ғор эгалари
ҳақидаги ҳикоя мумтоз адабиёти-
мизда ҳам кўп қаламга олинганли-
гини, кўпгина ижодкорлар бу мав-
зуга ҳурмат ва муҳаббат билан ён-
дашиб, талқин ва ташвиқ қилган-
ларини кўрамиз. Дарҳақиқат, бу
қисса ижодкорларга ўзгача илҳом
ва ғайрат берган, масъулияти ҳам
оғир.

Алишер Навоий “Хамса” ёзишга
киришар экан, анъанага мувофиқ,
ўзидан олдинги буюк устозларини
ёдга олади, ҳурмат билан Низомий,
Хисрав ва Жомийни ҳам рамзий
маънода “Асҳоби Каҳф”, яъни “Ғор
эгалари” дея улуғлайди:

*Каҳфи фоний ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам ўлай робитухум калбуҳум...*

Яъни, фонийлик ғорида улар
йўқолсалар, мен ҳам тўртинчилар-
и – итлари бўлай...

Ҳазрат Навоий бу сатрлари би-
лан ғорда қолган солиҳ йигитлар-
ни ва устозларини гўзал ташбеҳ би-
лан улуғлаган.

Алишер Навоий “Тарихи ан-
биё ва ҳукамо” асарида Одам Ато-
дан то Муҳаммад мустафо соллал-
лоху алайҳи ва салламгача бўлган

пайғамбарлар ҳақида, шунинг-
дек, улуғ ҳакимлар ҳақида ҳи-
қоя қилиб, Асҳобул Каҳф қис-
сасини ҳам келтиради:

“Юнон мулкида Ақсус
шаҳрида Дақёнус отлиғ ма-
лики жаббор бор эмишким,
баъзи дептурларким, бутпа-
раст эрмиш, баъзи дептур-
ларким алваҳит даъвоси қи-
лур эрмиш...” Буюк шоир “Ғор
эгалари” ҳақидаги ҳикояси-
ни шундай бошлайди. Истис-
но тариқасида ўқувчиларга ту-
шуниш осон бўлиши учун про-
фессор Азиз Қаюмовнинг кито-
бида берилган қисқа ва содда
матнни ҳавола қиламиз:

Юнон мулкидаги Ақсус
шаҳрида Дақёнус деган зо-
лим подшоҳ бўлган. У бутпа-
раст эди. Асҳоби Каҳф яши-
ринча ягона тангрига сиғи-
нар эдилар. Дақёнус бундан
хабар топиб уларни қатл эт-
моқчи бўлди, шунда улар бир
жойга бориб беркинмоқ мақ-
садида йўлга чиқдилар. Биё-
бонда уларга бир чўпон учра-
ди. У ҳам Асҳоби Каҳфга қў-
шилди. Чўпоннинг ити ҳам
эгасига эргашди. Ҳаммалари

“Раҳм” деган ғорга кирдилар ва уй-
куга кетдилар. Улар уч юз тўққиз йил
ухладилар.

Бир маҳал уйғониб Тамилхо де-
ганларини шаҳарга озуқа келти-
риш учун юбордилар. У вақт шаҳар-
га худопарастлик ўрнашган эди. У
шаҳардаги ўзгаришларни, одам-
ларнинг Исо динига кирганлари-
ни кўриб, ҳайрон бўлибди. Одам-
лар унинг озиқага тўламоқчи бўл-
ган пулини кўриб, сен Дақёнус ха-
зинасини топибсан, деб подшоҳ
хузурига олиб келдилар. Подшоҳга
бу одамнинг гаплари ғалати туйилиб
уламодан сўради. Уламо Инжилда
Асҳоби Каҳф тўғрисида гап борли-
гини айтдилар. Подшоҳ Тамилхога
йўл бошлатиб, Асҳоби Каҳф хузури-
га келди. Асҳоби Каҳф овқатланиб,
шукр саждаси қилганларидан сўнг
жон бердилар. Подшоҳ бу ғор эши-
гига гумбаз ясаб, бу ерни зиёратгоҳ-
га айлантирди.

*Каҳф аҳлига юзланиб адув қайғуси,
Бўлдилар агарчи ғорнинг маҳбуси.
Чун кўзлари эрди уйқунинг мамлуси,
Ҳам оқибат элтии адам уйқуси.*

Ҳазрат Навоий қисса якунида
Каҳф эгаларининг душманлардан
қочиб, ғор маҳбусига айланиб узок
уйкуга кетганлари ва ўз динларига

содиқ қолганларини тўрт мис-
ра шеър билан хотималади.

Биз Қуръони карим қисса-
ларининг, жумладан, “Асҳобул
Каҳф” ҳикоясининг Шарқ ада-
биётида қанчалар машҳур
эканлигига яна бир бор шохид
бўлдик. Ва яна Қуръони карим
ва ундаги ҳар бир ояти кари-
ма, ҳар бир ҳикояту ривоят
бизнинг қалбимизга нур бў-
либ киришини, бизни Ислом
динига янада яқинлаштири-
шини юракдан ҳис қиламиз.


Алишер Навоий замондош-
ларини Ҳақ йўлига даъват қи-
лишда Қуръони карим оят-
ларидан кенг фойдаланган,
Ислом дини ташвиқотида ўз
асарларини Қуръон қиссала-
ри билан бойитган.

Дилором КАРИМОВА,
филология фанлари номзоди,
доцент



Тарих ажойиботлари

14 асрдан бери ёпилмаган дераза



Мўминлар амири Умар
ибн Хаттоб розияллоху анху
Масжиди Набавийни кенгай-
тирмоқчи бўлдилар. Бу жа-
раёнда мўминларнинг она-
си – Ҳафса розияллоху анҳо-
нинг хоналарини ҳам бузиш-
га тўғри келди. Аммо Ҳафса
розияллоху анҳо бунга кўн-
мади. Чунки унинг уйи Ра-
сулуллох соллаллоху алай-
ҳи ва салламнинг қабрла-
ри билан ёнма-ён жойлаш-
ган бўлиб, фақат девор билан

ажратилган эди. Уни кўнди-
ришга бўлган уринишлар бе-
самар кетди. Шунда укаси
Абдуллох ибн Умар розиял-
лоху анҳумо бу уйнинг ўрни-
га деразаси Набий соллал-
лоху алайҳи ва салламнинг
қабрларига қараган уйни бе-
ришини айтади. Ҳафса ро-
зияллоху анҳо бу таклифга
рози бўлади ва ўша дераза-
нинг ойнасиз, очиқ бўлиши-
ни шарт қилади...

Мана, орадан 1400 йил

ўтган бўлса-да, ўша дераза
ҳалигача очиқ турибди. Бош-
қа халифалар ҳам уни ёпиш-
магани учун Суютий ва бош-
қа тарихчилар бу очиқ дера-
зани “Умар оиласининг дера-
заси” деб аташган.

Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти
Ҳадис ва ислом тарихи фанлари
кафедраси катта ўқитувчиси
Пўлатхон КАТТАЕВ
тайёрлади.

Яхши ишларни эътиборсиз қолдириш

Нафснинг касалликларидан яна бири бу — савоб амалларга бепарволик, ибодатларни сусткашлик билан бажариш ва гуноҳда бардавом бўлиш саналади. Бу дардга тавба қилишни кечиктириш, келажакка катта умидлар қилиш ва ўлим ҳақида ўйлашни ёқтирмаслик ҳам киради.

Муолажа услуби

Бу хасталикдан шифо топишда Жунайд Бағдодийнинг ушбу

сўзларига қулоқ солинг. Уни Хусайн ибн Яҳё менга Жаъфар Хулдийдан етказган. Бир куни Жунайд Бағдодий раҳимахуллоҳдан: “Аллоҳ таолонинг тўлиқ итоати эришиш учун нима керак?” деб сўради.

Олим бундай жавоб берди: “Чин тавба, гуноҳ қилишдан тийилиш, Аллоҳдан кўрқиш, тавбани кечиктирмаслик ва орзуни узун қилмаслик. Бундан ташқари, Аллоҳ таолони доимо зикр қилиш ва ўлим ҳақида кўрқув уйғотиш

ва нажот топиш имконияти тобора камайиб бораётганини унутмаслик керак”.

Унга яна савол берилди: “Инсон буларнинг барчасига қандай эриша олади?” Жунайд Бағдодий жавоб берди: “Бунга Аллоҳ таолонинг бирлигига қалбдан ишонч ҳосил қилиш орқали эришиш мумкин”.

Ибн Атоуллоҳ Сакандарий раҳимахуллоҳ айтадилар: “Ибодатни кечиктириш, уни ортга суриш нафснинг ёмонлигидандир”.

Ўз нафсини ортиқча баҳолаш

Бошқалардан устунлик ҳисси, ҳаддан ташқари мағрурлик ва ўзига бино қўйиш, баҳолаш — буларнинг барчаси нафс касалликларининг намоён бўлишидир.

Муолажа услуби

Бу оғир хасталикдан қутулиш учун банд Аллоҳга кўпроқ шукр қилиши ва эга бўлган барча неъматлар ўзининг саъй-ҳаракати

туфайли эмас, балки унга фақат Аллоҳ Ўз раҳмати ва фазли ила берганини англаб етиши лозим.

Абу Бакр Розий раҳимахуллоҳ Воситийдан эшитган гўзал сўзларини менга айтди: “Аллоҳ энг ёмон кўрган нарсаси бу — инсоннинг ўзи ва амаллари билан ғурурланиши”.

Фузайл ибн Иёз раҳимахуллоҳдан камтарлик ҳақида сўрашганида, у: “Камтарлик — Аллоҳ таолога

тўлиқ бўйсунуш ва кимдан бўлса-да, ҳақиқатни қабул қилиш. Ўзининг нафсида заррача бўлса-да, яхшилик бор деб билган одамда камтарлик йўқ”, деб жавоб берди.

Абу Абдураҳмон Суламийнинг “Нафс иллатлари ва уларнинг муолажаси” китобидан
Даврон НУРМУҲАММАД таржимаси

Улуғлар ибрати

Ҳофиз Шерозий (1326–1389) номи билан танилган шоирнинг исми Муҳаммад, лақаби Шамсуддин, тахаллуси Ҳофиз. Куръони каримни ўн қироатда тиловат қила олган. Шунинг учун Ҳофиз, аниқроғи, Хожа Ҳофиз тахаллуси билан танилган. Хожа Ҳофизнинг отаси эрта оламдан ўтиб, рўзгорлари танг аҳволда қолади. Икки акаси кун кўриш баҳонасида ўзга ўлкаларга кетишади. Бева онаси билан қолган кичкина Муҳаммад, ёш бўлишига қарамай, рўзгор тебратишга мажбур бўлади. Новвойга шогирд тушиб, топган пуlining бир қисмини рўзгорга, бир қисмини таълим олишга, бир қисмини бева-бечораларга сарфлайди. Хожа Ҳофиз турмушидан мамнун, камтарона ҳаёт кечирилади. Байтида бундай ёзади:

Фақри зоҳир мабин ки Ҳофизро,
Сина ганжинаи муҳаббат Ўст.

Таржимаси:

Билмагин таши ила Ҳофизни сан
абгору хор,
Кўксиди Ҳақ ишқидин хазинаи
ганжина бор.

Манбаларда Хожа Ҳофиз ҳаёти ҳақида ҳикоятлар келтирилади.

Соҳибқирон Амир Темур билан боғлиқ ҳикоят ҳам шулар жумласидан:

Агар кўнглимни шод этса, ўшал
Шероз жонони,
Қора холига бахш этгум
Самарқанду Бухорони,



мисралари Шерозни забт этган Соҳибқиронни ғазаблантирди. Ҳузурига Хожа Ҳофизни чорлаб, сўради:

— Дунё сайқали ва илм қуввати бўлган бу икки бебаҳо шахримни “Гўзалнинг бир холига ҳадя этаман” деб назм битмоққа қандай журъат этдинг?!

Чорлов сабабини фаҳмлаган

Ҳофиз фаросатини ишга солиб, ўзининг устидаги либосига ишора қилиб дейди:

— Азбаройи кўлим очиқлигидан шу аҳволга тушганман.

Топқирлик билан айтилган ушбу жавоб Соҳибқироннинг кайфиятини кўтаради ва шоирга тухфалар беради.

Ҳазрат Алишер Навоий “Насойимул муҳаббат” тазкирасида бу зотга эҳтиром билдириб: “Машо-йих дийдоридин марзуқ эрди. Зоҳир илмида ва ҳақойиқ илмида олим эрди. Шайх ул-ислом (Абдураҳмон Жомий) дебдурки, илмда ҳеч кишининг онча таснифи йўқдур...” Айниқса, Қосим Анвор Ҳофиз девонини мақташда жуда муболаға қилган...

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ҳофиз Шерозийнинг ҳаёти ҳам, бебаҳо мисралари ҳам ибратларга бой. Биз уларни ўрганиб, хулоса чиқариб, ҳаётимизга татбиқ этишимиз керак.

Суюндик Мустафо НУРОТОЙ

Масала

3-бетда

САВОЛ: Мен намозимда баъзан унутиб, Фотиҳадан олдин “Аттаҳиёт”ни, баъзан савобни ўқиб қўяман. Эсимга тушгандан кейин Фотиҳани ўқийман. Бу ҳолатда намозим бузилмайдими?

ЖАВОБ: Сиз айтган ҳолатда, ташаххуздан сўнг Фотиҳа ва яна бир сурани ўқисангиз, намоз бузилмайди.

Агар сиз биринчи ракатда Фотиҳа сурасидан олдин “Аттаҳиёт”ни ўқиб қўйсангиз, саждаи саҳв вожиб бўлмайди. Чунки ташаххуд сано қаторига ўтади.

Агар фарз намозларининг учинчи ва тўртинчи ракатларида Фотиҳадан олдин “Аттаҳиёт”ни ўқиб қўйсангиз, саждаи саҳв вожиб бўлмайди. Чунки фарз намозларнинг учинчи ва тўртинчи ракатларида Фотиҳа сурасини ўқиш суннатдир.

Савобни ўқиб қўйиш ҳам шу ҳукмлар остига киради.

Агар фарз намозларининг иккинчи ракатида ёки суннат, нафл намозларнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи ракатларида Фотиҳадан олдин “Аттаҳиёт”ни ўқиб қўйсангиз, саждаи саҳв вожиб бўлади. Чунки сиз бу ҳолда вожибни — Фотиҳа ўқишни кечиктирган бўласиз.

САВОЛ: Ранги ўзгарган ариқ суви нажас ҳисобланадими?

ЖАВОБ: Сувнинг ранги нажосат сабабидан ўзгарса, сув нажосат бўлади. Агар тупроқ, барг ва шунга ўхшаш пок нарсалар сабабидан ўзгарган бўлса, нажас бўлмайди.

САВОЛ: Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи ва саллам форсча калималарни сўзлаганларми?

ЖАВОБ: Набий алайҳиссаломнинг очиқдан-очиқ форс тилида сўзлаганлари ривоят қилинмаган. Лекин изланишлар олиб борган муҳаддис уламолар ҳадисларда учрайдиган асли форсча сўзларнинг қадимдан араб тилига кириб қолганини таъкидлашади.

САВОЛ: Ҳар намоздан кейин шукр саждасини қилиш жоизми?

ЖАВОБ: “Раддул мухтор”да бундай дейилади: “Шукр саждаси мустаҳаб. Лекин намоздан кейин шукр саждасини қилиш макруҳ. Чунки омма уни суннат ёки вожиб деб, эътиқод қилиб қолиши мумкин. Нотўғри эътиқодга олиб боровчи ҳар бир мубоҳ иш макруҳ бўлади.

7-бетда

“Ҳанафия жўмраги”

Биз ҳар куни фойдаланадиган сув мосламаси “ҳанафия жўмраги” деб ном олганини биласизми?

Бундай ном олиши Мисрдаги Муҳаммад Али Кабир масжиди қурилиши билан боғлиқ. XIX асрнинг охирларида қурилган мазкур масжиднинг таҳоратхонаси одамларга қулайлик яратиш мақсадида сув жўмраклари

билан жиҳозланган. Ўша вақтга қадар кўза ва бошқа идишлар билан таҳорат қилиш кенг тарқалган бўлиб, жўмракдан фойдаланиш одамларга мутлақо ёт эди. Аввалига, бу нарс ҳаммани таажжубга солади. Чунки мусулмонлар ибодатлари билан боғлиқ ишлардаги янгиликлардан ўта эҳтиёт бўлишарди. Зеро, Набий соллаллоҳу

алайҳи ва саллам: **“Ҳар бир бидъат залолат, ҳар бир залолат эса дўзахдадир”**, деб огоҳлантирганлар. Шунинг учун бу ишни барча мазҳаб уламолари бир овоздан бидъат деб эълон қилишди. Фақат ҳанафий уламолар бу янгиликни жоиз деб топишди. Чунки жўмракдан таҳорат олиш мусулмонлар ҳаётидаги машаққатни

анча енгиллаштиради. Шундан келиб чиқиб, ҳанафий уламолари сув жўмракларидан фойдаланиш жоиз деб фатво беришди. Ушбу сув мосламасидан фойдаланишни ҳанафийлар жоиз санагани учун, кейинчалик уларга нисбат берилиб, “ҳанафия жўмраги” деб номланади.

Маъмуржон АБДУШАРИПОВ,
“Имом Фахриддин ар-Розий”
ўрта махсус
ислом билим юрти ўқитувчиси

Устозлар ибрати

Диний соҳада узоқ йиллар самарали хизмат қилган Абдулқаҳҳор домла Шоший кўпчилик учун ибратли умр кечирмоқда. Ҳаётини илмга бағишлаган таниқли уламо кўплаб шогирдлар етиштирди, китоблар нашр қилдирди.

1939 йили Тошкент шаҳрининг Ҳазрати Имом даҳасида ҳунармандлар оиласида таваллуд топган бу инсон ёшлигидан исломий илмларни эгаллашни мақсад қилди. У 1956–1961 йилларда Бухородаги Мир Араб мадрасасида ўқиб, диний билимларни пухта ўрганди. Таҳсилдан сўнг ёш мутахассис беш йил давомида Тошкентдаги араб тилига ихтисослаштирилган ўрта мактабда дарс берди. У диний ихтисослик билан чекланмай, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги университет)нинг ўзбек тили ва адабиёти, Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик ҳамда Тошкент енгил саноат институтининг технология факультетларида ҳам таълим олди.

Абдулқаҳҳор Шоший исломий билимларини чуқурлаштириш мақсадида 1966–1969 йилларда Мисрдаги ал-Азҳар дорилфунунида таҳсил олди. Хориждаги таълимни тугатиб келгач, у кўп йиллар диний соҳада масъулиятли вазифаларни бажарди. Хусусан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари

диний идорасида халқаро бўлим мудир, Мир Араб мадрасаси мудир, Тошкент ислом институтининг ректори ва Шимолий Кавказ мусулмонларининг диний идорасида иш бошқарувчи лавозимларида фаолият юритди. Абдулқаҳҳор домла ушбу вазифаларда ишлар экан, Ислом дини ривожига ҳисса қўшишни кўзлади ва бунга эришди ҳам.

Домла Мир Араб мадрасасига раҳбарлиги даврида ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ўта талабчанлик билан ёндашиб, ўқув ва маънавий ишларни жонлантиришга, таълим сифатини яхшилашга эришди. Тошкент ислом институтида ўқув-услубий ишларни юксалтиришда ҳам хизматлари катта бўлди.

У хизмат юзасидан олти марта Саудия Арабистонида бўлди. Шунингдек, Миср, Туркия, Эрон, Жазоир, Ливия, Болгария каби мамлакатларга бориб, диний алоқаларни ўрнатишга ҳисса қўшди.

Абдулқаҳҳор Шошийнинг илмий фаолияти алоҳида диққатга молик. У киши Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот



институтида ўриндошлик асосида араб тили таржимони, Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонасида эски ўзбек ёзувидаги китобларни тасниф қилувчи “Илм” ширкатининг раиси ҳам бўлиб ишлади.

Заҳматкаш олим анча йиллардан бери исломий китобларни таълиф этиш, динимиз тарихига оид асарларни таржима қилиш билан шуғулланиб келмоқда. Жумладан, “Ислом ақидаси”, “Намознома”, “Рўзанома”, “Ҳажнома”, “Закотнома”, “Ислом арконлари”, “Имло лўғати”, “Мифтахул қироат”, “Авлиёлар китоби”, “Аёлларга хос масалалар”, “Ҳаётнома”, “Книга аулия” (рус тилида) номли китобларни таълиф этган бўлса, Ҳаким Термизийнинг “Манозилул ибод...”, Кафол Шошийнинг “Жавомийул калим”, Аҳмад Жодулнинг “Қуръон қиссалари”, Иброҳим Али Шаутнинг “Исломда олтин давр”, Мустафо аш-Шакаънинг “Мазҳабларсиз Ислом” асарларини таржима

қилди. Шу билан бирга, “Туш таъбири” (Мулла Аъзамхон), “Иймон ва Ислом мақолоти” (Алишер Навоий), “Шайх Санъон қиссаси” (Алишер Навоий) китобларини таъдил этди.

Таъкидлаш жоиз, Абдулқаҳҳор Шоший нафақат диний соҳада, балки бошқа жабҳаларда ҳам самарали хизмат қилди. Тошкент мебель фабрикаси филиалининг директори сифатидаги фаолияти фикримизга мисолдир. Домла дин ва жамият ривожини йўлидаги муносиб хизматлари эвазига қатор мукофотларга сазовор бўлди. Хусусан, 1993 йили Тошкент шаҳар ҳокимининг Фахрий ёрлиғи ва ўтган йили эса Ўзбекистон Фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси васийлик кенгашининг “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Бир сўз билан айтганда, устоз Абдулқаҳҳор Шоший умр йўлини хайрли амаллар, дин ривожини йўлидаги муносиб хизматлари билан безатар эди. Бундай сермазмун ҳаёт барча учун ҳавасга лойиқдир.

Тўлқин ШЕРНАЕВ

Мухлисдан мактуб

Тўрт ойлик келинчакни фарзанд кўрмасликда айблаб, ҳайдаб юборишди. Аслида бунга онасининг ҳадеб сут пули талаб қилгани сабаб бўлди. Суд уларга уч ой муҳлат берди. Лекин куёв бола бошқа қиз топиб, уйланиб кетди. Жабрдийда келин қолаверди. Унинг айтишича, қайнонаси онасининг сут пули талаб қилганини бир неча бор юзига солган.

Ҳаётда бундай мисоллар оз эмас. Булар қаторига келиннинг сепидаги қайсидир мебелнинг камлиги ёки уй рангига тўғри келмаслигини айтиб, тўйлар

тўхтатилгани каби воқеаларни ҳам қўшиш мумкин.

Қуръони каримда Худ алайҳиссалом тилидан бундай хитоб қилинади: **“Эй қавмим, Парвардигорингиздан мағфират сўрангиз, сўнг Унга тавба қилингиз. Шунда У Зот устингизга осмондан ёмғир қуйдиради ва куч-қувватларингизга яна куч-қувват қўшади”** (Худ сураси, 52-оят).

Оятга эътибор берайлик. Бировдан сўрагунча истиффор айтиб, ҳаракат қилсак, ўзимиз орзу қилган

нарсаларимизга етамиз, яъни ризқимиз кенг бўлар экан.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: **“Албатта, Аллоҳ касб-кор қилувчи мўмин бандани яхши кўради”** (Имом Байҳақий ривояти).

Хўш, биз сут пули сўраб ёки мебел талаб қилиб касб-кор қиляпмизми? Йўқ, бу иш тубанликдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва сал-

ламдан ривоят қилади: «Аллоҳ таоло: **“Эй Одам боласи, ибодатимга фориғ бўл. Шунда қалбингни бойликка тўлдираман ва фақирлигингни кетказаман. Акс ҳолда қўлингни иш билан банд қилиб қўяман ва фақирлигингни кетказмайман!”** деб айтади» (Имом Термизий ривояти).

Оят ва ҳадислардан ибрат олган ҳолда ҳақиқий бойликни топишга ҳаракат қилайлик, азизлар! Лаҳзалик ҳою ҳавасни деб бутун умр пушаймонликда яшашдан Аллоҳ асрасин!

Тошпўлат АШУРОВ



سُبْحَانَ الْحَمْدِ الْمَلِكِ الدَّيَّانِ
الْمَعْرُوفِ بِالْإِحْسَانِ الْمَوْصُوفِ بِالْغَفَرَانِ،
مَرْحَبًا، مَرْحَبًا، يَا شَهْرَ رَمَضَانَ مَرْحَبًا، مَرْحَبًا،
يَا شَهْرَ التَّرَاضِيحِ وَالتَّسَابِيحِ وَحَتَمِ الْقُرْآنِ،
هَذَا شَهْرُ أَوَّلِهِ رَحْمَةً وَأَوْسَطُهُ مَغْفِرَةً وَآخِرُهُ عِتْقٌ
مِنَ النَّيْرِانِ. لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ نَسْتَغْفِرُ اللَّهَ، نَسْأَلُكَ
الْجَنَّةَ وَنَعُوذُ بِكَ مِنَ النَّارِ

“Субҳаанал ханнаанил маннаан, субҳаанал маликид дайян, ал маъруфи бил ихсан вал мавсуфи бил гуфрон. Марҳабаа, марҳабаа, я шахро Рамазон. Марҳабаа, марҳабаа, я шахрот таровийҳи ват тасаабийҳи ва хотмил Куръан. Ҳазааа шахрун аввалуҳу роҳмаҳ, ва авсатуҳу мағфиरोҳ, ва аахируҳу ыитқум минан нийроон. Лаа илааҳа иллаллоҳу настағфируллоҳ, наъ- алукал жанната ва наъузу бика минан наар”.

Маъноси: Ҳаннон ва Маннон бўлган, қиёмат куни эгаси, яхшилик билан танилган, мағфират

Таровех тасбеҳлари

билан сифатланган Зотни поклаб ёд этаман. Марҳабо, марҳабо, эй Рамазон! Марҳабо, марҳабо, эй таровех, тасбеҳ ва Куръон хатм қилинадиган ой! Бу ойнинг аввали раҳмат, ўртаси мағфират, ниҳояси эса, дўзахдан қутулишдир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Аллоҳга истиғфор айтамин. Сендан жаннатни сўраймин, дўзахдан паноҳ беришингни тилаймин.

سُبْحَانَ ذِي الْمَلِكِ وَالْمَلَكُوتِ، سُبْحَانَ ذِي
الْعِزَّةِ وَالْعَظَمَةِ وَالْقُدْرَةِ وَالْكِبْرِيَاءِ وَالْجَبَرُوتِ،
سُبْحَانَ الْمَلِكِ الْحَيِّ الَّذِي لَا يَنَامُ وَلَا يَمُوتُ،
سُبُّوحٌ قُدُّوسٌ رَبُّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحِ، لَا إِلَهَ
إِلَّا اللَّهُ نَسْتَغْفِرُ اللَّهَ، نَسْأَلُكَ الْجَنَّةَ وَنَعُوذُ بِكَ
مِنَ النَّارِ.

“Субҳаана зил мулки вал малакуут, субҳаана зил ыиззати вал

ъазомати вал қудроти вал кибрийааи вал жабаруут. Субҳаанал маликил ҳаййил лазий лаа янааму ва лаа ямуут, суббууҳун қуддуусур Роббунаа ва Роббул малааикати вар рууҳ. Лаа илааҳа иллаллоҳу настағфируллоҳ, наъ алукал жанната ва наъузу бика минан наар”.

Маъноси: Мулк ва малакут эгаси, иззат, қудрат ва куч-қувват соҳиби, барча айбу нуқсонлардан пок, барча нарсадан ғолиб, ўлмайдиган, доимо тирик Суббуҳ ва Қуддус, бизнинг, фаришталар ва Жаброилнинг Рабби бўлмиш Аллоҳни поклаб ёд этаман. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Аллоҳга истиғфор айтамин. Сендан жаннатни сўраймин, дўзахдан паноҳ беришингни тилаймин.

Масала

6-бетда

САВОЛ: Сартарош, тикувчи ва гўрков билан хизмат ҳақида савдолашилмайдими?

ЖАВОБ: Шариатимизда бундай гап йўқ. Аксинча, ҳар бир ҳалол меҳнатга келишиб ҳақ тўлаши кераклиги белгилаб қўйилган. Сартарош, тикувчи ёки бошқа касб эгалари ёллаб ишлатилганда улар билан хизмат ҳақини, албатта, келишиб олиш керак. Ёллаб ишлатишда иш ҳақининг аниқ бўлиши шариатимиз талабидир.

Агар сартарошхонада кўрсатиладиган хизматлар нархи ёзиб қўйилган бўлса ёки ўша шаҳар ё қишлоқда гўрков хизмати нархи маълум бўлса, ҳар икки тараф рози бўлиб хизмат тақдим этилса, ҳақ берилса, бу билан ҳам келишув амалга ошган ҳисобланади.

САВОЛ: Имом жаноза ўқигани учун пул олса бўладими?

ЖАВОБ: Жаноза намози — фарзи кифоя, яъни, маълум бир кишилар бажарса, бошқаларнинг зиммасидан соқит бўладиган амал. Жаноза ўқиш имомнинг вазифаси. Мутааххир (кейинги) уламолар имомлик учун ҳақ олиш жоизлигига иттифоқ қилганлар.

САВОЛ: Иқоматдан кейин дунёвий сўзларни сўзлаш мумкин эмас, деб эшитдим. Имомларимизнинг: “Сафни тўғри олинг, орада бўш жой қолмасин”, деган гаплари бунга зид эмасми?

ЖАВОБ: Масаланинг баёни ҳақида манбаларда бундай дейилади: «Иқомат айтувчи “Ҳайя алас солаҳ” жумласини айтганда имом ва қавм ўрнидан туради, “Қод қаматис солаҳ”да намозга киришади» (“Ихтиёр”). Агар имом ҳозир бўлмаса, иқомат айтилмай туради.

Муаззин иқоматни охиригача айтиб, кейин намозга қўшилади. Зарурат туғилганида имомнинг: “Сафларни тўғрилаб олинг”, дейиши дунёвий сўзларни сўзлаш ҳисобланмайди.

САВОЛ: Қабристонга борганда ўтириб тиловат ва дуо қилиш жоизми?

ЖАВОБ: Қабр зиёратида ўтириб тиловат қилиш афзал. Чунки ўтиришда хотиржамлик, тафаккур, хушу каби Куръон тиловатида талаб қилинган одоблар юзага чиқади (“Оламғирия”, “Раддул мухтор”, “Нурул изоҳ”).

Фикҳий манбаларимизда қабрларни зиёрат қилганда туриб дуо қилиш суннат, ўтириб дуо қилиш ҳам жоиз дейилган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази. Тел. 78-150-33-44

Саҳобалар ҳаёти



Жаннат хабари берилган ўн нафар саҳобанинг сўнгиси Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу ҳазрат Абу Бакр розияллоҳу анҳу воситасида иймон келтирган, асҳобнинг буюкларидан бўлган.

У зот ўн етти ёшида ажиб туш кўради. Тушида зулматда бир ерда чорасиз ҳолда турган пайтида бирдан ҳаммаёқ ёриша бошлайди. Сўнг тўлин ой кўринади. Ой нур сочаётган тарафга юради. Ҳазрат Абу Бакр, орқада Зайд ибн Ҳориса ва Али розияллоҳу анҳумлар кўринади. Саъд ибн Абу Ваққос уларга: “Сизлар бу ерга қачон келдингиз?” дейди. Шунда улар: “Яқинда келдик, истасанг, сени ҳам орамизга оламиз”, деб жавоб беришади.

Саъд уч кун давомида бу тушни таъбир қилишга уринди. Охири тушини Абу Бакр розияллоҳу анҳу га айтиб берди. У зот Саъд ибн Абу Ваққосга деди:

— Мен билан юр, сени бутун жаҳонни ойдинлатган ўша нур томон олиб бора. Тушинг таъбири шу!

Сўнг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бордилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Саъд ибн

Онасига яхшилик қилувчилардан эди

Абу Ваққосга шаҳодат келтиришни айтдилар. У киши Набий алайҳиссалом ҳузурларида мусулмон бўлди.

Тез орада мўминлар сафи яна биттага кўпайгани хабари тарқалди. Буни эшитган Саъднинг онаси қаттиқ ғазабланди. Ҳар дам, ҳар лаҳза ўзининг норозилигини фарзандига кўрсатарди. Шунга қарамай, волидасига нисбатан аввалгидек ҳурмат ва шафқат билан муносабатда бўлаверди, хафа қилиб қўймаслик учун кўлидан келганча ҳаракат қиларди. Бу ҳолат анча вақтгача давом этгач, онаси бундай деди:

— Сенинг дининг қариндош-уруғга яхши муомалада бўлишга, уларни хафа қилмасликка ва уларнинг амрларига бўйсунишга буюрадими?

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу:

— Диним ота-она ва қариндош-уруғни хафа қилмасликка буюради, — деди.

Бу жавобни эшитгач, волидаси: — Эй Саъд! Сен бу диндан воз кечиб, оталаримизнинг динига қайтмагунингча ҳеч нарсга емайман. Ўлсам ҳам, бу аҳдидан қайтмайман. “Она қотили” деган ном оласан. Ҳамма сени лаънатлайди, — деди.

Шу кунгача онасининг ҳеч бир сўзини қайтармаган, кўнглини оғритмаган ҳазрат Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу Аллоҳ ва Расулига бўлган қалбидаги кучли муҳаббати туфайли бу гапдан қайғуга ботиб, бундай жавоб берди:

— Эй она! Агар сизнинг юз

жонингиз бўлса-ю, уни динимдан қайтишим йўлида фидо қилсангиз ҳам, асло иймонимдан кечмайман. Энди хоҳланг — энг, хоҳланг — еманг. Бу ўзингизга ҳавола. Менинг қарорим қатъий. Сўзимдан қайтишим мумкин бўлмаган иш. Шунга қараб йўл тутинг.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу ва онаси ўртасида бўлиб ўтган ушбу ҳодисадан сўнг Аллоҳ таоло фарзанднинг ота-онага қандай ҳолларда бўйсунуши, уларнинг амрларига итоат қилиши хусусида қуйидаги ояти каримани нозил қилди: **“Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. (Аммо) агар улар сен билмаган нарсаларни (сохта маъбудаларни) Менга шерик қилишингга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этмагин! (Барчангиз) Менга қайтурсиз, бас, Мен (ўшанда) сизларга қилиб ўтган амалларингиз хабарини берурман”** (Анкабут сураси, 8-оят).

“Сунани Термизий”да келтирилишича, ушбу оят Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу ва унинг онаси Ҳамна бинти Абу Суфён ҳақида нозил бўлган. У онасига яхшилик қилувчи эди.

Фарзандимиз келажакда бизга яхши муносабатда бўлишини истасак, уларга Сарвари олам соллаллоҳу алайҳи ва саллам, саҳобалар, алломалар болагини, ота-онасига муносабатини сўзлаб берайлик.

Фотима АСЛИДДИНОВА,
Тошкент ислом институти 3-босқич талабаси



Подшоҳнинг туши

Миср подшоҳи туш кўрди. Тушида етти семиз сигир шунча ориқ сигирни ер, яна етти яшил ва етти қуруқ бошоқ ҳам бор эди.

Подшоҳ ажабланди. Унинг таъбирини суриштирди. Билгичлар: “Одам тушида кўп нарсаларни кўради ва

уларда ҳақиқат йўқ”, дедилар. Бир соқий: “Бу тушнинг хабарини айтайми?” деди-да, қамокқа, Юсуфнинг олдида борди. Унга подшоҳ кўрган тушни гапириб берди. Юсуф соқийга туш таъбирини айтиб, унга қандайдир тадбир кўришни ҳам тайинлади.

Соқий Юсуфнинг гапини подшоҳга етказди: “Кетма-кет етти йил зират экин. Ҳосилнинг эҳтиёжингизга ярашасини олинг. Ортиги бошоқда қолсин. Сўнг қаҳатчилик йили келадиган. Уларда аввалдан ғамлаб қўйганингизни ейсизлар. Бу қаҳатчилик етти йилга чўзилади. Ундан кейин кенглик келади. Одамлар яна мўл ҳосил оладилар”.

Подшоҳ ниҳоятда шод бўлди. У соқийдан туш таъбирини ким айтганини сўради. Соқий: “Буни ростгўй Юсуф айтди. У менга сизнинг сув ташувчингиз бўлишимни ҳам хабар берган эди”, деди.

Подшоҳ Юсуф билан кўришишни истади. Унга элчи жўнатиб: “**Уни менга келтиринлар, уни ўзимга хош кишилардан қилиб оламан**”, деди.

Юсуф алайҳиссалом вазир бўлди

Аммо Юсуф қамокдан мана шу аҳволда чиқиб кетишга рози бўлмади. Яъни, қамокда айбсиз ҳолда ўтиргани ва айбсиз экани аниқланмагунча бу ердан чиқмаслигини айтди.

Подшоҳ Юсуф ҳақида суриштириб, унинг айбсиз эканини билди. Уни оқлаб, қамокдан чиқарди ва ўзига вазир қилиб олди.

Юсуф алайҳиссалом подшоҳга: “**Мени ернинг хазиналари устига қўй. Албатта, мен муҳофаза қилувчи ва билувчиман**”, деди.

(Давоми бор)

Абул Ҳасан Али Ҳасан Надавийнинг “Пайғамбарлар қиссаси” китобидан
Анвар АҲМАД таржимаси

Шеърят



Келса моҳи Рамазон

Рамазонда Яратган каломин қилди нозил,
Ўқиб амал қилса ким иймони бўлар комил.
Масжидлару уйларда суннатга кўра ҳар йил
Хатми Қуръон кўп бўлар келса моҳи Рамазон.

Савоб бобида битмас фазлини сўйласам мен,
Бир фарзнинг фазилати эрур етмиш фарзга тенг.
Эзгу амаллар учун эл бирга шимарар енг,
Мавсум ғанимат дебон келса моҳи Рамазон.

Сир тутди бу рўзанинг мукофотини Худо,
Ибодатлар аро бу ибодатда йўқ риё,
Бир кечанинг минг ойлик савоби бор ой аро,
Қутар барча мусулмон келса моҳи Рамазон.



Аввалги даҳаси раҳмат, сўнг ўртаси мағфират,
Сўнгида жаҳаннамдан кимлар қутулгай – бу бахт.
Барча умидвор бўлиб, дуода бўлар ҳар вақт,
Раҳм айлагай деб Раҳмон келса моҳи Рамазон.

Бу кечаларни бедор ўтказмоқ эрур суннат,
Таровеҳни севар халқ – Расулни севган уммат.
Одамларнинг ризқига ризқ қўшилиб беадад,
Зиёда бўлар чандон келса моҳи Рамазон.

Бу ой ражою тақво сабру қаноат ойи,
Шайтон бўлар занжирбанд, ҳузур-ҳаловат ойи,
Меҳру оқибат, одоб, хайру саховат ойи,
Ҳайдар, сев, бўлиб меҳмон келса моҳи Рамазон.



Ҳайдарали АБДУЛЛАЕВ,
Марғилон шахри

Ёдда тутинг

Қўл телефонининг соғлиқка зарарлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиология қўмитаси Ахборот хизмати маълум қилишича, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг болалар ва ўсмирлар гигиенаси лабораторияси ходимлари томонидан пойтахт тимиздаги умумтаълим мактабларида мобил телефонлардан кўп фойдаланадиган 11 ёшдан 17 ёшгача бўлган 900 нафар ўқувчи ўртасида сўровнома ўтказилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, рақамли

қурилмалардан меъёридан ортиқ фойдаланадиган ўқувчиларда, рақамли қурилмалардан кам ёки умуман фойдаланмайдиган ўқувчиларга нисбатан руҳий ва хатти-ҳаракатларнинг бузилиши билан боғлиқ белгилар маълум бўлган. Демак, шундан хулоса қилиш мумкинки, мобил алоқа воситалари биринчи навбатда болаларнинг асаб тизимига кўпроқ зарар келтирар экан.

Бундан ташқари, бугунги кунда мактаб ўқувчилари орасида эндокрин тизим, овқатланиш ва метаболик касалликлар билан боғлиқ шикоятлар ҳам ортиб борапти.

Яна шунга эътибор бериб керакки, ўқувчиларнинг 31 фоизи тиш оғриғи ва кариес билан оғриши маълум бўлган. Бу эса рақамли қурилмалардан кам ёки умуман фойдаланмайдиган ўқувчиларига нисбатан 6,4 фоизга кўпдир.

Шунинг билан бирга, мобил алоқа воситаларидан кўп фойдаланадиган болаларда овқат ҳазм қилиш билан боғлиқ касалликлар ҳам кўпроқ аниқланган. Бу эса гаджетлар ва Интернет тармоқлари болалар саломатлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатишидан дарак беради.

Демак, мутахассислар ота-оналар ва болалар

билан соғлом турмуш тарзи ва гаджетлардан хавфсиз фойдаланиш бўйича мунтазам равишда профилактик тадбирлар олиб боришлари зарур.

Дилмурод СОДИҚОВ тайёрлади.

ОХИРАТЛАРИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда «Шамсуддинхон Бобохонов» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриёт ходими Тўлқин Шернаевга отаси **ЭШТЎХТАР** отанинг вафоти муносабати билан, нашриёт ходими Зухра Ҳамдамовага онаси **Раъно ДЎСМАТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Аллоҳ таоло марҳумларни раҳматига олсин, маконларини жаннат қилсин. Бу дунёда қилган барча хайрли ишларини бошларига соя, охиратларига захира айлсин. Ортда қолган барча яқинларига гўзал сабр берсин.

Иннā лиллāхи ва иннā илайҳи рōжиъун!

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамсуддин Нур

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR	Komiljon BURXONOV
Sodiq TOSHBOYEV	Tolibjon NIZOMOV
Homidjon ISHMATBEKOV	Hikmatulloh TOSHEMIROV
Shayx Abdulaziz MANSUR	Muzaffar KAMOLOV
Jaloliddin HAMROQULOV	Azizbek XOLNAZAROV
Obidjon QODIROV	Jamoatchilik kengashi
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV	Alisher ESHIMOV
Muhammadsharif JUMAN	Islomiddin ZUHRIDDINOV
Xolmat ATABAYEV	Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: To'liq SHERNAYEV
Musahhiha: Zabo OMONOVA
Sahifalovchi: Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi: 09.02.2024
Xulosa (№03-07/699) olindi: 16.02.2024
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.400
24-3/4-buyurtma.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!